

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида

Тажриба ўрганиш учун виставкага келмоқдалар

21 июнь якшанба кунини СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг асосий кунини деб эълон қилиш мумкин. Шанба кунини бу эрга марказий об'ектлардан ўнлашча машиналар келди. Якшанба кунини ҳам бори уларнинг сони бир неча юзга етди.

Москва атрофидаги колхозчилар ва совхоз ишчилари ўтган йили ҳам дам олиш кунларини кўпинча виставкада ўтказиб турар эдилар. Эндиликда эса, саноат корхоналарининг коллективлари ҳам ана шу яхши традицияга амал қилмоқдалар. Яна бир нарсани кўзга ташлаш мумкин: Илгари колхозлардан кўпинча йўловчилар учун мослаштирилган юк автомобилларда келишар эди. Эндиликда эса, деярлик ҳамма киши «Заказной» деб ёзиб қўйилган автобусларда келишмоқда. Шахсий енгил автомобиллари ва мотоцикллари бўлган кишилар ҳам оз эмас.

Мана, Белоруссия ССР Витебск областининг Орша шаҳридан келган автобус. Бу автобусда «Днепр» ҳунармандчилиги артелининг аъзоларидан 28 киши келган. 500 километр масофани тезроқ босиб ўтиш учун машинани навбатма-навбат икки шофер ҳайдаб келган.

— Бизнинг артелимиз тўдучилик артелидир, — деб ҳикоя қилади унинг раиси Я. М. Фарбер, — шунинг учун ҳам биз энг аввало, виставкага қўйилган тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг янгиликларини билан қизиқдик. Бизнинг умидларимиз ўзини оқлади. Биз тўқимачиликнинг кейинги нусхалари билан танидик. Бу ердан қайтиб келгач, ўз станокларимизга ҳам ана шу мосламаларни ўрнатамиз. Орёл заводи томонидан роунидалар ишлаш учун чиқарилаётган машиналар ҳам бизга маъқул бўлди. Ана шу завод билан боғлиқ, ўз артелимиз учун ҳам ана шундай машиналарга заказ бермоқчимиз.

Тўқимачиликнинг ёрдамчиси Б. П. Чернявскийни пластмассадан аслаган тўқимачилик қизиқтирди.

— Бундай мокилар, — дейди у, — ҳозирда фойдаланилиб келинаётган ёғоч мокилардан яхшироқдир. Пластмассадан мокилар ишлаб чиқаришни Орша шаҳрида ҳам ташкил қилиш мумкин.

Тўқимачилар бир қанча павильонларда бўлиб, «ТУ-104 А» самолётига тамоша қилдилар, унинг ёнида туриб суратга тушдилар, кечкурун эса Кремлни бориб кўрдилар.

Орехово Зуево ва Калинин шаҳарларида яншовчи тўқимачилар ҳам заказ қилинган автобусларда келдилар. Важапов номидаги Калинин йигирув-тўқув фабрикасининг касабаси соҳасидаги 60 кишилик экскурсия уюштирди. Бу группа «енгил саноат» павильонидаги янгиликларини кўздан кечириб, баъзи бошқа павильонларга борди, сўнгра эса Кремлнинг Оружейная палатасига томон йўл олди.

Владимир областининг Муром шаҳридан қишлоқ хўжалик таъминоти соҳасида ишловчи бир группа ходимлар келди. Улар ўз олдларига янги тийдаги қишлоқ хўжалик машиналарини кўздан кечириш ва уларни Муром колхозларига сотишни уюштириш вазифасини қўйган эдилар.

Ярославдаги нон заводи коллективи яхши иш натижалари учун мукофот олган эди. Ана шу маблар ҳисобига энг яхши ишчиларнинг виставкага келиши уюштирилди.

Москва ақнидаги «Коломенский» совхоз картошка-сабзавот етиштирадиган хўжалик қилиб ихтисослаштирилган. Ана шу совхознинг ишчиларидан 26 киши агроном А. З. Акимов бошчилигида виставкага келдилар.

— Биз сабзавот экинларининг,



СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида.

В. Кузов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

айниқса бодирларнинг ҳосилдорлигини оширишни истаймиз, — деб ҳикоя қилади ўртоқ Акимов. — Ўтган йили биз ҳар гектардан 180 центнердан ҳосил олдик, бу йил эса камида 270 центнердан ҳосил олишни мўлажаллаб туримиз. Виставкада кўрсатилган энг яхши сабзавотчиларнинг иш тажрибаларидан ўрганган нарсаларимиз ана шу мақсадга аришишда бизга ёрдам беради, деб

нинг афзаллиги ва нуқсонлари ҳақида қизғин бахslashмоқда. Механизаторлар, машина ёмон эмас, лекин уни албатта ишда сынаб кўриш керак, деган ҳулосага келдилар.

Якшанба кунини виставкада ўн мингларча киши бўлди. Марказий хабарлар Биринчи май намоёнчилиги ҳодимларининг бир гуруҳи тоғ қазиб чиқариш, қанд пишириш ва чорвачиликда қўл меҳнати талаб қилинадиган ишларни механизациялаштиришдаги янгиликлар билан танидилар. Гуруҳ раҳбари, КПСС Ўзбекистон бўлими раҳбари, Ўзбекистон Республикаси раҳбари И. В. Герасимовнинг ён дафтари хабарлар, рақамлар билан тўлиб кетди. Ўзбекистонда келган меҳмонлар виставкада хизмат-хизмат хизматлари ҳам қамлаб олдилар.


Виставкага келувчилар ҳар бир павильонда бўлган таассуротлар дафтарига кўпгина нарсаларини ёзиб қолдирмоқдалар. Бу ёзувларда улар виставкани ташкил қилганлик учун, павильон мутахассислари томонидан кўрсатилган ёрдам ва тушуниришлар учун ташаккур билдирмоқдалар.

Шунингдек улар бу дафтарларда танқидий мулоҳазалар, маслаҳат ва иштаклар ҳам ёзиб қолдирмоқдалар. «РФСР» павильонидаги таассуротлар дафтарига Москвадаги манзардор бодорчилик мактабининг бир гуруҳи студентлари ўтказилган марокки суҳбат учун ер тузиш институтини кафедрасининг муdiri И. Ф. Голубева ташаккур билдириб ёзганлар.

Мана бундай хат, ҳам бор: Мен, йўл ишчиси Евгений Иноземцев ишчилар ўтказиладиган машинадан фойдаланиш ишлари билан қизиқдим. Бу машина жуда кўп меҳнати талаб қилади. Мен ана шу машинани кўпроқ чиқаришни тақдир қиламан.

«Маккажўхори» павильонидаги таассуротлар дафтарига ёзилган хат характерида, «Донгистон ССРдаги Карл Маркс номи колхозда бизнинг гектар ерининг ҳар гектаридан ўтган йили 50 центнердан маккажўхори дони ва 400 центнердан қўм масса олдик. Бу йил ана шу экиндан анча кўпроқ ҳосил олмақчимиз. «Маккажўхори» павильонидаги экспонатлар ана шу вазифани ҳал этишда бизга ёрдам беради».

Виставкада чет эллардан келган меҳмонларнинг гапи ҳам тез-тез эшитилиб турди. (ТАСС).




«Химия саноати» павильонида.

М. Строков фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ўйлаймиз. Кўпгина қишлоқ хўжалик ходимлари янги машиналарни ўрганиш учун келганлар. Тўқимачиликнинг энг яхши ишчилари ҳам келганлар. Матламотномалар, Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг значоклари, виставканинг манзаралари туширилган суратлар сотилган «Союзпечать» киоскалари чакқон савдо қилдилар. Ҳамма ерда, павильон-саройларнинг олдида

гина кишилар бу эрга фақат дам олиш учун, ўзларининг дам олиш кунини павильон — саройлар ҳамда қурилиш орасида ўтказиш учун келганлар. Матламотномалар, Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг значоклари, виставканинг манзаралари туширилган суратлар сотилган «Союзпечать» киоскалари чакқон савдо қилдилар. Ҳамма ерда, павильон-саройларнинг олдида

Виставкада чет эллардан келган меҳмонларнинг гапи ҳам тез-тез эшитилиб турди. (ТАСС).



Суратларда: 1. Тамонабинлар 35 от кучига эга бўлган «Владимирец Т-32» универсал трактор дизелини кўздан кечиришмоқдалар. 2. «Геология» павильонида.

Н. Кулишев ва Б. Тренетов фотолари, (ТАСС фотохроникаси).


Ядро физикаси институтини лабораторияларида

Ядро физикаси институтини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энг илмий-тектириш муассасаларидан биридир. ССР Иттифоқи ҳукуматининг Тошкентда Ядро физикаси институтини ташкил этиш ҳақидаги қарорини чиқаришга йилдан салгина олди. Лекин шунга қарамай, институт коллективи атом энергиясидан тинч қурилиш мақсадларида — саноат, қишлоқ хўжалиги ва фанда кенг фойдаланиш соҳаларида самарали тадқиқотлар олиб бормоқда.

Сталин кўчасидаги муҳташам ва азамат бинога жойлашган институт бўлим ва лабораторияларида, Қиёрай қишлоғида қурилаётган институт шаҳарчасида ҳаёт қайнайди.

Мана ҳар томонлама ўйлаб, ҳозирги замон техникасининг ҳамма ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишланган институт шаҳарчаси макети.

Муҳташам, катта, марказий корпусга қудратли атом реактори ўрнатилади. Ҳозир реакторни монтаж қилиш, корпусни қуриб битказиш ишлари тугалланган деб қолди. Шунингдек аппарат ва асбобларни радиоактив моддалардан тозалаш, яъни махсус ювниш бўлими биноси, механика устaxonалари, изотоплар складлари ва бошқа объектларда ҳам қурилиш ишлари жўнашиб кетди. Бунинг учун ҳамма қурилиш материаллари, асбоб-



Ядро электротехника лабораториясининг илмий ходими С. Хўжаев ва инженер Г. Нурмухамедов (ўтирган) ишларининг ҳаракатини кузатишмоқдалар.

тиваларга эга. Институт коллективининг бу соҳада муҳим проблемаларини ҳал қилиш юзасидан иш олиб бораётган. Жумладан, Мирзачўл туپроғининг зичлигини аниқлашда ишлатиладиган радиоактив плотномер таъйинланган. Бу асбоб Мирзачўл ерларини ўрганаётган, экинларини жойлаштириш, гидро-техника шохобчаларини барпо қилиш билан шуғулланаётган мутахассисларга катта қулайликлар туғдиради. Яна радиоактивлик принципида ишлайдиган пульсометр аппаратининг яратилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу асбоб земснаряднинг унумли ишлаши, лойқа олиб қилиш ҳодисасини йўқотиш учун қўлланилади.

Институт шаҳардаги бир қатор заводлар билан ўзаро алоқа боғлаган ҳолда ишлаб, турли мураккаб машиналарнинг деталларини дефектларини аниқлаш соҳасида ҳам фойдали тадқиқотлар қилмоқда.

Ўзбекистон олимлари гамма нурлари ёрдами билан ишчилик ва пахтачилик соҳасидаги мураккаб ишларни осонлаштириш йўлларини топишда, бу соҳадаги дастлабки натижалар қувончлидир. Академик У. Орпиров гамма нурлари ёрдами билан жуда кўп меҳнат талаб қиладиган пилла ичидан кўртинг ишчи осонлаштириш. Кимё фанлари кандидати А. Ноброҳимов эса гамма нурлари ёрдами билан чигитнинг қимёвий ва биологик ҳусусиятларини ўрганиш соҳасида муҳим ишлар қилди.

Академик С. Стародубцев раҳбарлик қилган геология лабораториясини ҳодимларининг мураккаб, энг зарур реакцияларни тезлаштириш йўлини топиш соҳасида тадқиқотлари институтнинг бошқа бўлим ва лабораториялари фаолиятида катта роль ўйнайди. Ядро геология лабораторияси эса радиоактив асбоблар ёрдами билан еростини сувлари ҳаракатини аниқлаш, айрим геологик жинсларнинг ёнини белгилаш йўли билан турли маъданларнинг жойлашсини ўрганиш, бинобарин фойдали қазilmалар конларини топиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Биз институтнинг айрим лаборатория ва кабинетларида бўлиб, Мана нейтронлар лабораториясини. Махсус хонада ядроларнинг энергетик ҳолатини аниқловчи мураккаб аппаратлар жойлашган. Бу лаборатория ҳодимлари хром — 51, кобальт — 60, рух — 55 сингари изотоплардан ядроларнинг энергетик ҳолати ва ҳоссаларини, ядролар емирилаётган вақтдаги турли процессларни аниқлашда муҳим проблемалар билан шуғулланмоқдалар. Бу тадқиқотларнинг ҳушосалари ядро физикаси фанини янада ривожлантиришда ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Металлар физикасида нурла-

нининг қўлланилиши лабораториясининг бир хонасига эса махсус катта аппаратлар қўйилган. Бу Тошкент инженерлари томонидан конструкция қилинган янги рентгеностереоскоп установкадир.

Унинг ёрдами билан детал ҳажмининг, ички ҳолатини бемалол кузатиш ва ундаги нуқсонни осонгина аниқлаш мумкин. Илгарила-рини деталнинг нуқсонини аниқлаш учун махсус аппаратда аввал унинг сурати олинар ва сўнг сурат ўрганилар эди. Бу асбоб эса деталнинг ички ҳолатини бемалол кузатиш имкониятини беради. Инженер В. Аюбиров ва лаборант В. Сопов ўртоқлар бу аппаратни усталик билан бошқариб, қизиқарли тажрибалар ўтказмоқдалар.

Ядро электротехника лабораториясини ҳам институтнинг энг муҳим участкаларидандир. Бу ерда атомнинг электрон қонидига юз берадиган ўзгаришлар ўрганилади. Илмий ходим С. Хўжаев тегишли труба ичидagi конларнинг манба-ларини аниқлаш учун уларнинг ҳаракатини ўрганимоқда. Махсус бир хонада эса турли установка-лар монтаж қилинмоқда. Бу установка, аппарат ва асбоблар турли лабораторияларда ишлатилади.

Ҳозир институт бўлимида ва лабораторияларида олиб борилаётган бу тадқиқотлар яқинда катта, кенг миқёсда ўтказиладиган илмий-тектириш ишларининг дебосасидир. Институт шаҳарчаси битиши билан бу ишларнинг ҳажми, кўлами, мазмунини янада кенгайди.

Ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан ядрошуно олимларимиз



Старший лаборант Қумри Тошмухамедова гамма нурларининг глюкозага таъсирини ўрганиш устида тадқиқот олиб бораётган. С. Нўлчев фотолари.

рус мутахассислари ёрдамида КПСС XXI съезди белгиланган берган улутвор программани бажариш ишига ўз ҳиссаларини қўшадилар ва атом энергиясидан тинч мақсадларда, халқ хўжалигида кенг фойдаланиш соҳасида самарали ишлар олиб борадилар.

М. ЯХЕЕВ.

Олий ўқув юртларида

Тошкент Давлат педагогика институтининг V курс студентлари давлат имтиҳонларини топира бормоқдалар. Физика-математика факультетида КПСС тарихидан бўлиб ўтган биринчи имтиҳон яхши натижалар билан якунланди.

Аълочи студентлардан М. Нурмухамедова, Т. Мансуров, К. Маханова, А. Холдоров ва бошқа студентлар ўқим даврида марксизм-ленинизм асосларини кунт билан ўрганганликларини намоён қилдилар. Улар биринчи имтиҳондан аъло баҳо билан ўтиб, бошқа имтиҳонларга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бу йил институтни 500 дан ортқ йигит-қиз битириб, ҳаёта йўлларига олади. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ ва шаҳарлардаги, янги очилган қўрқ ер ва қурилаётган шаҳарлардаги мактабларга миға боради.

Институт маъмурияти ва жамоат ташкилотлари студентларнинг имтиҳонга пухта тайёргарликлари учун ҳамма шароитларни яратиб берганлар. Имтиҳонга кирган ҳар бир фан юзасидан обзор лекциялари, консультация ва суҳбатлар белгиланган график бўйича ўтказилмоқда. Студентлар учун ўқув заллари, фан кабинетлари ва аудиториялар ажратиб берилган.

Г. Кансентова, Ш. Дуйсенов.

Тошкент Чет тиллар педагогика институтини битирувчи студентлар шу кунларда дастлабки имтиҳонлардан муваффақиятли равишда ўтмоқдалар. Институт партия ва комсомол ташкилотлари, касба соҳа маҳаллий комитети уларга зарур шароит яратиб бериш тадбирларини кўрганлар. Партия тарихи фанидан бўлган биринчи имтиҳон айниқса

қувончли натижалар берди. Студентлардан Хикматиллаева, Хошимов, Носиров ва бошқалар аъло баҳо олдилар.

Х. Исмаилов.

Тошкент Тўқимачилик институтининг Шота Руставели кўчасига жойлашган 2, 3-ётоқхоналарида ўз-ўзига хизмат қилиш яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида ётоқхона доимо овозда, тартибли, саранжон-сариништа бўлади. Бу ерда икки йилдан бери вахтерлик штати йўқ. Студентлар бу вазифани навбат билан ўзлари бажаришади. Ётоқхонада кутубхона, қўриқхона, дам олиш бурчаги бор. Студентлар махсус хонада телевизор программаларини тамоша қилдилар. Ётоқхона радиовези орқали қизиқарли хабарлар бериб турилади.

И. Саломов.

Наим. Б-1619